

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Шарипов –
педагогика ф. д., профессор

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРЛАРИ

Усмонжон Қосимов – фил. ф. д.
Ғайрат Қодиров – биология ф. н., доц

МАСЪУЛ КОТИБ

Фаррух Ақчаев – тарих
ф. б. ф. д., (PhD)

ТАРЖИМОНЛАР:

Намоз Каримов,
Элдар Ҳасанов
(рус тили)

Камолиддин Нормуродов
(инглиз тили)

САҲИФАЛОВЧИЛАР

Гулжахан Кадирова
Адолат Ускинбоева

НАВБАТЧИ МУҲАРРИР:

Феруза Жумаева – филология
ф. б. ф. д., (PhD)

**Журнал андозаси Ахборот
технологиялари марказида**
Расулжон Мелиқузиёв
томонидан тайёрланди

Муассис - Жиззах давлат
педагогика институти

Журнал йилда 4 мартаба
(ҳар чорақда) чоп этилади.

Матнларда фойдаланилган кўчирма
ва маълумотлар аниқлиги учун
муаллифлар масъулдирлар.

Журналдан кўчириб босилганда
манба қайд этилиши шарт

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

Анатолий Сагдуллаев – тарих ф. д., академик
Комилжон Тожибоев – биология ф. д., академик
Жак Миклович – INSHEA университети профессори (Франция)
Василий Кочурко – Баранович ДУ профессори, техника ф. д.
(Белоруссия)

Гулсем Лекерова – психология ф.д., профессор (Жануб.
Қозоғистон)

Фурқат Жўрақулов – сиёсий ф. д., доцент

Ботир Тўхтамишев – техника ф.н., доцент

Сарвар Назарқосимов – социология ф. б. ф. д.

Бахтиёр Тўраев – фалсафа ф.д., профессор

Холбўта Турақулов-техника ф.д., профессор

Бахти Очилова - фалсафа ф.д., профессор

Қозоқбой Йўлдошев – педагогика ф. д., профессор

Умрзоқ Жуманазаров – филология ф. д., профессор

Абдуғафур Маматов - филология ф. д., профессор

Раҳматулла Бекмирзаев – физика-математика ф. д., профессор

Ойбек Аҳмедов – филология ф.д., профессор ЎзДЖТУ

Фания Аҳмедшина – тарих ф. д., профессор

Ҳамид Мелиев – педагогика ф. н., профессор

Худойберган Мавлонов – биология ф. д., доцент

Қўчқор Ҳакимов – география ф. н., профессор в.б.

Исламов Илём – тарих ф. д., доцент

Рустам Абдурасулов – психология ф. д., доцент

Зухра Яхшиева – кимё ф. д., доцент

Мухторқул Пардаев - тарих ф. н., доцент

Раббим Юсупов – техника ф. н., доцент

Олег Ким – филология ф. н., доцент

Камолиддин Зойиров – педагогика ф.н., доцент

Абдували Шамсиев – иқтисод ф. н., доцент

Суннатулло Соипов – филология ф. н.

Юлдуз Каримова – филология ф. н., доцент.

Омон Исаров – филология ф. н., доцент.

Шерали Абдураимов – педагогика ф. б. ф. д., доцент

Фурқат Аҳмедов - педагогика ф.н., доцент

Тўйчи Аҳмедов – тарих ф.б.ф.д.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг филология, фалсафа ва педагогика фанлари бўйича эксперт кенгаши (2018-йил 29-декабрдаги 260/6-сон баённомаси) тавсияси билан нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал Жиззах вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасидан 2020-йил 25-апрелда 06-042 рақам билан қайта рўйхатга олинган. Журналнинг халқаро ISSN рақами: 2181- 6131

МАНЗИЛ: 130100, Жиззах шаҳри,
Ш. Рашидов кўчаси, 4-уй, бош бино
ТЕЛЕФОН: (99872) 226 02 93,
(99897) 644 84 44
ФАКС: (99872) 226 46 56

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
МАТБАА БЎЛИМИ

Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 4-уй
2021-йил 25- март куни босмаҳонага топширилди.

Қоғоз бичими А4 Буюртма: _____
Нашр адади: 100

MUNDARIJA

ТАҚВИМ:

У.А.Жуманазаров, А.Эргашев. Алишер Навоий ҳақидаги янги дoston	3
З.У.Мамадалиева. Алишер Навоий маърифатини англаш йўлида	6
Ш.Н.Амонов. Аҳмад Табибийнинг Алишер Навоий ғазалларига ёзган мухаммаслари	8

ПЕДАГОГИКА-ПСИХОЛОГИЯ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ

T.Kavilova. The meanings of foreign languages in the professional activity of future specialists	12
У.У.Жуманазаров. Рақамли таълимнинг структураси ва моделлари	15
А.Қ.Каримов, З.Мардонов. Рангларнинг мактабгача ёшдаги бола психологиясига таъсири	19
Х.С.Акрамова, А.Ж.Тажимуратов. Nutqi to'liq rivojlanmagan bolalarning xotirasini kuchaytirish asoslari	21
L.T.To'raqulov. Mehribonlik uyi o'smirlarining ijtimoiylashuvidagi muammolar	23
D.E.Tangirova, M.B.Olloqulov. Aqli zaif bolalarning bilish faoliyatini o'rganishning psixologik omillari	25

АМАЛИЙ ФАНЛАР

М.С.Олимов. Қисқа масофага югурувчи спортчиларнинг функционал тайёргарлигининг тузилиши	27
Б.А.Султонов. Спортчининг ривожланишига мақсадли таъсир кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари	30
Б.Б.Мусаев, С.Нурмаматова. Комплекс поводящих упражнений в обучении основам ходьбе в фигурном катании	33
А.Маҳамматов, А.Жумаев. Мусиқий таълим ва тарбияда замонавийлик	36

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР

М.Ҳошимхонов. Машраб ва Иброҳим Адҳам	38
А.И.Саиткосимов, С.И.Назарқосимов, Ж.Исахонов. Социальные механизмы обеспечения благополучия общества и человека	41
М.В.Ахметжанова. Бадиий-эстетик ижоднинг методологик масалалари	44
З.Бозорбоева. «Оммавий маданият» таҳдиди ва унга қарши курашнинг маънавий асослари	46
А.Р.Самадов. Идеал ва эстетик идеал тушунчаларининг фалсафий қадриятлар тизимидаги ўрни	49
Т.М.Бурханов. Ёшларнинг маънавий салоҳиятни юксалтириш масалалари	54
Г.Н.Наврўзова. Абдурахмон Жомий ижодида Баҳоуддин Нақшбандга хос сифатлар тавсифи	57
Ф.Ш.Ақчаев, Ж.Қовулов. Жиззах воҳасида дарахларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ қарашлар	60
С.Кистаубоев., А.Аманлаев. “Экологик дунёқараш” тушунчасининг ижтимоий-фалсафий моҳияти таҳлили	63
Х.У.Саматов. Хожа Юсуф Ҳамадоний таълимотида халқ билан мулоқот масаласи	65
С.Исмоилов. Нақшбандия тариқатининг диний-фалсафий илдилари	68

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Т.Жумаев. Лисоний реликт тарихий қолдиқ сифатида	71
А.Тилавов. Эпос ва этнос муштараклиги	73
Х.Холмуродов. Farhod obrazining “Badoyi’ ul-bidoya” devonidagi tavsifi	76
Х.Б.Тожиева. Турди ижодида ўзбек уруғларининг бадиий таснифи	79
Ф.Жумаева. Қўшма сўзларнинг семантик қурилиши	81
Г.А.Холбоева. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар китобхонлиги	84
К.А.Абдуллаев. “Барҳаёт-Бобур” мавзусидаги адабий кечани ўтказишда ўқитувчилар ҳамкорлиги	87
Ш.Х.Джаббаров. Вақт концептосферасига лингвофалсафий ёндашув (Ўзбек ва инглиз тили мисолида)	90
Ш.А.Шералиева. Диний фразеологик бирликлар тадқиқининг назарий асослари	93
М.Сайфуллаев. “Ал-изоҳ” журналининг Туркистон адабий муҳтидаги ўрни	95

ТАБИИЙ ВА АНИҚ ФАНЛАР

А.Алишев, Ж.Муртозаев, А.Алишев. Кичик параметрга боғлиқ бўлган юқори татибли чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламалар системасининг асимптотик ечимлари	97
Б.Ботиров, А.Усмонов. Миллий услуб ва замонавий инновациялар уйғунлигига асосланган туризм хизматларини ташкил этиш	101
Ш.Р.Бобобеков. Des шифрлаш алгоритмини ўқитиш усуллари	104
М.М.Жаббаров. Табиий фанларни ўқитишда steam ёндашув	108
П.М.Жалолова. Атом физикасига оид моделлаштирилган ишланмаларни яратиш ва тақдим қилиш методикаси	110
О.Каримова. Fizikani o'qitishda didaktik o'yinlarning ahamiyati	113
Э.Н.Худайбердиев., К.Р.Насриддинов., Л.Қ.Самандаров. Физикани ўқитишда тарихий – биографик тамойилларнинг аҳамияти	115

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР

В.М. Yalgashev. Some aspects of the marriage ceremonies of samarkand region	118
Ф.З.Тилыева. Ёшларнинг эстетик тарбиясини китобхонлик воситасида ривожлантириш	120
Р.М.Соатов. Машраб шеърлятида тасаввуф талқини	123
М.Жўраев, М.Хидирова. Истиқлол даври адабиётшунослигидаги етакчи тамойиллар	125
Д.А.Қурбонова. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг бағрикенглик компетенциясини шакллантириш омиллари	129
Ж.Р.Туробов. Инглиз тилини ўқитишда темир йўл соҳасига оид атамаларни ўргатиш усуллари	132
Z.M.Khayatova. A reflection of social-cultural life in literature	136
Р.Н.Эргашев. Эстетик маданият – шахс камолотининг омили	139
О.Р.Анарбаев. Параллел матнлар корпуси ҳозирги кун таржимонининг замонавий иш қуроли сифатида	142
J.Holiqulov. “Tavorix ul-xavonin” asarida turli lavozimlarni anglatuvchi terminlarning ishlalishi	146

ВАҚТ КОНЦЕПТОСФЕРАСИГА ЛИНГВОФАЛСАФИЙ ЁНДАШУВ

(Ўзбек ва инглиз тили мисолида)

Шерзод Халикулович Джаббаров – катта ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация: Мазкур мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги вақт тушунчасига доир турли қарашлар, лингвофалсафий ёндашувлар ҳамда лингвомаданий хусусиятлар анализ қилинган. Шунингдек вақт концепти доирасида шаклланган фреймлар ўзаро компаратив таҳлил қилинган.

Аннотация: В статье анализируются различные взгляды, философские подходы и лингвокультурные аспекты концепции времени в английском и узбекском языках. Также был проведен взаимный сравнительный анализ фреймов, сформированных в рамках концепции времени.

Abstract: The article analyzes various views, philosophical approaches and linguocultural aspects of the concept of time in English and Uzbek languages. Also, a mutual comparative analysis of frames formed within the framework of the concept of time was carried out.

Калит сўзлар: Онтогенетик, энтропик, концептосфера, конвенциал, концептуал, концептуал контраст, фрейм, концептуал фрейм, когнитив фрейм, идеаллашган когнитив модел, примитивлар, вақт кечими, нутқ моменти, этносемантик.

Ключевые слова: Онтогенетический, энтропик, концептуальный, конвенциал, концептуальный, концептуальный контраст, фрейм, концептуальный фрейм, когнитивный фрейм, идеализированная когнитивная модель, примитивы, время, речевой момент, этносемантический.

Keywords: Ontogenetic, entropic, conceptual, conventional, conceptual, conceptual contrast, frame, conceptual frame, cognitive frame, idealized cognitive model, primitives, time, speech moment, ethno semantic.

Оламда содир этиладиган муҳим воқеа-ҳодисалар ҳоҳ у таркибга оид бўлсин, ҳоҳ онтогенетик, экологик, энтропик, прогрессив ёки айлана образли бари вақт кечимида юзага келади. Вақт кечими жараёнида нимаки содир этилса ҳар бирининг ўзга хос вақт муносабати билан алоқадорлик жиҳати бўлади. Инсон уни ўраб турган олам тўрисидаги билимларини вақт кечими жараёнида бойитади ва олган билимларини вақтдан ўлчов бирилиги сифатида фойдаланади. Ушбу жараёнда инсон бошқа турдаги объектлар, норса, ҳайвонат олами билан муносабатга киради ва улардан фойдаланади. Инсон муносабатларидан ташқари бўлган қуёшнинг ҳаракати, ой ва юлдузлар ҳаракатларини вақтга нисбатан ўрганади, яъни инсон тафаккурида шаклланган вақт концептосфераси доирасида таҳлил қилади. Оламда содир этилаётган ўзгаришларни “ВАҚТ” тушунчаси доирасида белгилайди.

Воқеа-ҳодисалар физик олам хусусидаги инсон тажрибалари нуқтайи назаридан юзага келган концептуал контраст сифатида баҳоланади. Тил эса мазкур конвенциал концептуаллашувга асосланган ҳолда маълум концептуал фреймлар шаклида ифодалайди. Концептуал фреймлар эса маълум лексик предикатларда ўз аксини топади. Вақт борасидаги билимлар инсон тажрибалари асосида шаклланган тушунча бўлиб, когнитив лингвистика доирасида вақт

концепти ҳар томонлама таҳлилга учрайди. Вақт тушунчасининг концептуаллашуви ҳар бир тилда мавжуд бўлган лексик, стилистик, паремиологик, грамматик ва шу каби лисоний ифода воситалари, темпоралликни ифода этувчи тил воситалари билан бир қаторда лингвомаданий бирликларда ўз ифодасини топади. Жорж Лакоф ва Марк Жонсонлар вақт концепти доирасида шаклланадиган когнитив фреймларни тузиш баробарида инглиз тилидаги a week (бир ҳафта) “идеаллашган когнитив модел” (“idealized cognitive model”).¹ сифатида талқин этишади. Герц эса Болий сака календари ва Георгий календарини қарама-қарши қуйиш орқали вақтни оммавийлашган референция фрейми деб атайди.² Болий календари Индонезияда оммалашган бўлиб, ҳафта, ой осмондаги ойни чиқиши билан ўлчанади. Болий сака календаридида ойнинг ер ўқи бўйлаб айланишига асосланади ва ҳар тўққиз ҳафтада икки кун бир сутка сифатида қабул қилинади. Биз вақт ўлчами сифатида баҳолайдиган сутка, ҳафта ва йил идеаллашган вақт модели сифатида талқин этиш мумкин. Жумладан мазкур уч моделдан кичиги сутка саналади. Сутка тугалланган доира сифатида кичик тугун бўлса, ҳафта кейинги каттароқ бўлган бир бутун идеаллашган фреймдир. Ҳафта кетма-кетликда келадиган етти қисмдан иборат линар кечимдир. Йил эса ернинг қуёш атрофидаги бир айланиб ўтиш орқали бир такрорий

1 Lakoff, G. (1987). Cognitive models and prototype theory. In U. Neisser (Ed.), *Emory symposia in cognition*, 1. Concepts and conceptual development: Ecological and intellectual factors in categorization p. 68 Cambridge University Press.

2 Geertz Clifford - *The interpretation of cultures* New York 1973: 392



айланани ҳосил қилиши назарда тутилади. Мазкур идеаллашган фреймлар инсон онгида шаклланган когнитив моделлар саналади. Мазкур фреймлар вақт тушунчасининг инсон онгида концептуаллашувининг маҳсули сифатида юзага келган. Вақт борасидаги концептуал ҳодисаларининг умумийлашган кўринишини турли маданиятларда қабул қилиниши орқали маълум фреймлар сифатида такомиллашишини таъминлаган. Вақт концептининг бу тарзда оммавийлашган фрейм турларининг шаклланиши бевосита узоқ маданий ориентация маҳсули саналади.

Тафаккуримизда ёз, куз, қиш, баҳор каби вақт билан боғлиқ тушунчалар мавжуд бўлиб, улар маълум даврларни ўз ичига олади. Шунингдек, вақт концептасферасини ташкил этадиган даврларга тун, кун, қисқа даврий кечинмалар лаҳза, он, сония каби тушунчаларда ўз ифодасини топади. Даврлар инсон тафаккурида умр кечими билан боғлиқ тарзда шаклланиши эса болалик, ёшлик, ўспиринлик, ўсмирлик, йигитлик, қарилик ва шу каби идеаллашган фреймларда ўз ифодасини топади. Мазкур тушунчалар, ўз навбатида, миллий маданий хусусиятга эга саналади ва турли маданиятларда концептуал нуқтайи назардан турлича шаклланган. Мисол учун инглиз асарларида вақтнинг берилишини таҳлил қиладиган бўлсак, унда табиатнинг куз фаслидаги кўринишини жуда чиройли тасвир этганини кўришимиз мумкин.

The Copper Beech Naiads were the most beautiful creatures any of them had ever seen. They were exquisite, rather fearless-looking creatures with manes of flowing red gold hair and skin the colour of an autumn sunset, long narrow eyes and slender, graceful arms and feet. As Snizort and the Court sat, barely moving, the Trees seemed to become aware of the watchers and, one by one, ceased to move and turned to regard them. (source: G1L);³

Худди шу каби вақт концептасферасини ташкил этадиган даврларга мос бўлган ибораларини ўзбек ёзувчиси Тоғай Муроднинг асарларида ҳам кўришимиз мумкин.

Хуфтонда аёллар давра қуриб гулхан ёқди (Тоғай Мурод, 8);

Бўриқул, чанғороқни ёп-э, офтоб тушиб қолди! (Тоғай Мурод, 21);

-Бўри, мен гапларингни оқизмай-томизмай айтдим. Бўри ошнамга сенсиз кундуз ҳам қоронғи, дедим (Тоғай Мурод, 25);

Бўри билан Насим кечаси уйқулари келгунча бир-бирини қитиқлаб ўйнади (Тоғай

Мурод, 21);⁴

Ҳар бир маданиятда вақтнинг концептуаллашуви литургик тартибга эга. Литургик тартиб даврларни бир-биридан фарқлайдиган ёки маъно ва мазмун нуқтайи назаридан когерент даврга бирлашадиган ҳодиса саналади. Мазкур даврлар миллий маданий хусусият касб этади. Мисол учун инглиз тилида childhood, teenager, youth, manhood, womanhood ва old age каби даврларга бўлинса, ўзбек лингвомаданиятида болалик, ёшлик, ўсмирлик, ўспиринлик, қарилик лисоний ифода воситаларига эга.

Районим Нурота тоғлар ораси, Отим Эргаш Жуманбулбул боласи.

Қаридимми десам кўнглим қоласи, Тобора ошади ёшдан ҳаваси...⁵

Кўриниб турибдики, инглиз лингвомаданиятида ўрта ёш manhood, womanhood алоҳида гендер тушунчаларида давр сифатида қаралади. Ўзбек лингвомаданиятида ушбу давр алоҳида давр сифатида қаламайди. Ўзбек тилидаги эркаклик ёки аёллик тушунчаларидаги –лик қўшимчаси болалик ёки қарилик тушунчаларидаги –лик қўшимчасига мос келмайди, балки эркак ёки аёлга нисбат берувчи сифатий хусусият саналади. Шунингдек, ҳар бир литургик давр инглиз ва ўзбек лингвомаданиятларида ўзига хос концептуал ва лингвомаданий асосга эга. Шу билан бирга мазкур тушунчалар гендер ифодаси нуқтайи назаридан ҳам фарқланади. Бунга инглиз тилидаги manhood, womanhood тушунчалари мисол бўла олади.

Вақт концептининг қиёсий таҳлили аҳамияти лингвистикадан ташқари психология, социолингвистика, биология каби соҳаларда тан олинган. Вақтнинг социологиядаги аҳамиятини британиялик олим Барбара Адамс таҳлил қилар экан, вақт аниқ ижтимоий назарияни юргузувчи асосий воситадир деган мулоҳаза юритади.⁶

Вақт фалсафий нуқтайи назардан ҳам, лисоний жиҳатдан ҳам инсон тажрибаларига асосланган баҳсли ва мунозарали аспект саналади. Қадим қадимдан вақт тушунчаси унинг табиати ва таркиби, унинг оламни лисоний манзарасини ташкил этувчи белгилари борасида тадқиқотлар амалга оширилиб келинган. Шундай бўлса-да, вақтнинг концептуал таркиби, этносемантик, лингвокультурологик хусусиятлари қиёсан ўрганилмаган. Вақт тушунчасига бўлган муносабат ҳар бир этносда ўзига хос ижтимоий ва концептуал жиҳатдан шаклланган. Табиат

3 «Rebel angel. Wood, Bridget. London: Headline Book Pub. plc, 1993, pp. 162-252. 2543 s-units.»

4 Тоғай Мурод «Юлдузлар мангу ёнади» 1980 йил Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

5 Эргаш Жуманбулбул ўғли 1936 йил Тошкентда ўтказилган анжуманда таништирув чоғида айтилган мисра

6 Barbara Adam "Time and Social Theory" Blackwell publishers, Oxford 1991:



ҳодисалари билан уйғунлаштирилган. Вақт тушунчаси борасидаги қарашлар ҳар бир тилнинг ўзига хос бўлган жиҳатлари, ҳодисалари тарихий жараёнлар ва тарихий ҳодисалари билан узвий боғлиқдир. Чунки, ҳар бир миллатнинг тил тарихи вақт кечимида шаклланган бўлиб, ўша халқнинг тарихининг ажралмас бўлаги саналади ва вақт борасидаги фалсафий қарашларининг бойишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам, бирор тил ҳодисасини ўрганиш жараёнида концептуаллашув ёндашувига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тадқиқот вақт тушунчасининг лингвистик нуқтайи назардан ва лингвомаданий, этносга хос бўлган жиҳатларни қиёсий ёритишга қаратилган бўлиб, бунда қардош бўлмаган тиллар мисолида ифодаланиш усулларни ёритишга қаратилган.

Ижтимоий хусусиятга оид характеристика вақт билан алоқадор фактор саналади. Вақт маълум қадрият ёки маданий тушунчаларни ўрнини янгиси эгаллаши мумкин. Мисол учун инглиз маданиятига назар ташлайдиган бўлсак, бундан юз, юз эллик йил олдин табақага оид ижтимоий факторлар тилда ҳам ўз аксини намойиш этган. Бунга сабаб сиёсий ўзгаришлар ҳам таъсир этиши мумкин.

Тил инсониятни ўраб турган борлиқ ва ўзини акс эттирувчи шакл сифатида мавжуд борлиқ ҳақидаги билимларни ўзлаштиришдаги энг асосий восита сифатида маданиятнинг ажралмас бўлаги саналади ҳамда концепт табиатианиқлашватасфирлашга қаратилган энг яхши йўл саналади.⁷ Шунингдек, баъзи тилшунос олимларнинг фикрича, энг содда концептлар сифатида битта сўздан ташкил топган концептлар ўрин тутаяди. Мураккаб концептлар сифатида эса сўз бирикмалари ва гаплардан иборат бўлган концептлар қаралади.⁸ Бошқаларининг фикрича эса, тиллардаги лексик системанинг таҳлили кўп бўлмаган миқдордаги “примитивлар” (ҳеч ким, ҳеч нарса, макон ва шу кабилар А. Вебицкаянинг тадқиқотларидан ўрин олган) ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин. Уларнинг комбинацияси эса бутун тилнинг бутун лексик таркибини тасвирлаш учун хизмат қилиши мумкин.

“Вақт” концепт сифатида ўлчам маъносидан кўра маданий хусусият сифатида кенгроқ намаён бўлиши мумкин. Албатта, вақт фалсафий қарашда эмперик бўлиб, лексик бириклар ёрдамида лисоний ифодага кўчади.

Маълумки, “вақт” концепти универсал концепт сифатида ҳар бир лингвомаданиятда ўзига хос фалсафий қарашларда шакилланган. Мазкур қарашлар маълум

қардош тилларда бир бирига яқин семантик таркибга эга бўлса, бошқаларида умуман семантик таркиб жиҳатдан, лингвомаданий нуқтайи назардан тубдан фарқ қилади. Бу каби фарқланиш ҳар бир этноснинг асрлар давомида тўплаган қадриятлари, вақт кечимига бўлган муносабатлари, фалсафий қарашларининг шаклланиши, вақт ва табиат уйғунлиги, вақтга нисбатан диний қарашлар комбинацияларининг маҳсули сифатида баҳолаш мумкин. “Вақт” концептининг универсал ҳодиса сифатида ифодаланадиган семантик таркиби “вақт кечими”, “нутқ momenti”, шунингдек, “ўтган”, “ҳозирги”, “келаси” каби субконцептлар ташкил этади. Маълум давр ичида такрорланиб турадиган ҳодиса, жараёнларнинг вақтда шаклланиш таркиби “инсон ҳаёти (ёш ўтиши)”, “табиат қонунлари (кунлар, йиллар алмашинуви)” каби тушунчаларда ўз ифодасини топади. Вақт концепти, ўз навбатида, мустақил ментал бириклар доирасида юзага келадиган алоҳида концепт сифатида баҳоланадиган “ёшлик”, “қарилик”, “ўлим” кабиларни ҳам қамраб олади. Бундан ташқари вақт ифодаси “бошланиш”, “тугалланиш”, “давомийлик”, “тезлик”, “сокинлик”, “лаҳзалик” каби темпорал ифодаларда ҳам мавжуд. “Вақт” концептининг семантик таркибини қуйидаги таблицада кузатиш имконига эгасиз.

Жадвал 1.

Вақт кечими	Вақт жараёни		Темпорал ходиса
	Инсон ҳаёти	Табиат қонунлари	
Нутқ momenti	Болалик	Йил	Бошланиш
ҳозирги	Ёшлик	Ой	Тугалланиш
Ўтган	Ўрта ёш	Ҳафта	Давомийлик
келаси	Кексаллик ва хакозо	Баҳор, куз, ёз, кич ва хакозо	Лаҳзалик ва хакозо

Мазкур семантик таркиб инглиз ва ўзбек тиллари қиёсидаги ўхшашликлар асосида тузиб чиқилди. Албатта, бу каби семантик таркиб жаҳоннинг кўплаб тилларида учрайди ва шунинг учун ҳам концептнинг универсал бириклари сифатида қайд этишимиз мумкин. Умуман, фалсафий нуқтайи назардан “ВАҚТ” атамаси бизни ўраб турган олам тўғрисидаги тасаввурларимиз асосида шаклланган ҳамда макон билан узвий алоқадор бўлган моддий тушунча сифатида таҳлил қилинади. Инглиз тилидаги “time” атамаси қадимги герман тилидаги “timon” сўзидан ўзлашган ва қадимги инглиз тилида “tima” тарзида феъл билан ифодаланган бўлиб, “чўзмоқ”, “ўтказмоқ” маъносини англатган.

7 Jackendoff R. *Semantics and Cognition*. Cambridge (Mass.), –Berlin: Mouton de Gruyter. 1993. – 16с.

8 Schiffer S, Steele S (1988) *Cognition and Representation*. Westview Press, Boulder.